



Гавҳари нури иймоним (Машраб ғазали)



Гавхари нури иймоним «Кул хув Аллоху Ахад»,  
Зоти покингни хакин айгтум «Аллохус сомад».  
«Лам ялид» зотингга килдим иктидо мен то абад,  
Дини иймонимга ёр бергувчи «валам ювлад».  
Ки «валам якун лаху» зотингни рухим англади,  
Ходию рохи хакикат сен Ёзинг «куфуван Ахад».  
Ё Илохо, сураи Ихлоси покинг хурмати,  
Жон берур вақтимда Сен иймонима бергил мадад.  
Бас иноятинг билан бандангнинг айбин ёпмасанг,  
Машраби бечорани(нг) килган гуноҳи беадад.

Шарх: Гавхари нури иймоним...

Иймоним нурининт гавхари: «(Эй Мухаммад) айтинг: «У Аллох бордир». (Яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яққаю ёлғиздир). «Аллох ( барча хожатлар билан) кўзлангувчидир (яъни барча хожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга мухтож эмасдир)», — дея зотингни поклагум. «Тугмаган ва тугилмаган (ўгил-кизи ҳам, ота-онаси ҳам бўлмаган), азалий ва абадий бўлган» зотингга иктидо килдим ва Уни иймонимга ёр

этдим. «У зотга хеч ким тенг эмас»лигини жон-рухим ила англадим. Бу азалий ва абадий хакикатдир. Ўзингдан ўзга илох йўк, ё Парвардигори олам. Сураи ихлосдек пок суранг хурмати ўлим сонияларида иймонимни ўзимга хамрох эт. Албатта Сен ўз фазлинг, рахмату меҳрибонлигинг билан гунохкор бандаларингни умидлантиргувчи Рахмонсан. Ё Аллохим, барча гунохкор бандаларинг каби бечора Машрабнинг гунохлари кўпдир. Ўзинг кечир, тавбаларимизни кабул эт.

Рахматуллох Носирнинг "Соз билан суҳбат" китобидан